

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 699-ҳадис

## 1. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари у зотнинг ҳузурида ўтиришган эди. Шу пайт Фотима кириб келди. Унинг юриши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юришларидан асло фарқ қилмас эди. У зот уни кўрдилар-да, уни хушлаб, **«Марҳабо, қизим»**, дедилар. Сўнгра уни ўнг [ёки чап] томонларига ўтқаздилар. Сўнг унга нимадир деб пи chirлагan эдилар, у қаттиқ йиғлаб юборди. Унинг қайғусини кўриб, унга иккинчи марта пи chirлаган эдилар, у кулди. Мен унга (Фотимага) «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари ичida сенга алоҳида сир гап айтадилар-у, сен йиғлайсанми?» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб кетганларидан сўнг эса ундан «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга нима дедилар?» деб сўрадим. У: «Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сирларини ошкор қилмайман», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан сўнг «Сендаги ҳаққим ила онт ичиб айтаманки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сенга айтганларини менга ҳам айтиб берасан», дедим. У шундай деди: «Энди майли. Биринчи бора пичирлаганларида у зот менга: **«Жаброил менга Қуръонни ҳар йили бир [ёки икки] маротаба тўлиқ ўқиб берар эди, бу йил эса икки маротаба ўқиб берди. Мен ажалим яқинлашди деб ўйлаяпман. Аллоҳга тақво қил, сабр қил, мен сен учун энг яхши салафман»**, дедилар. Сен кўрганингда шунга йифлаган эдим. У зот менинг қайғуга ботганимни кўриб, менга иккинчи маротаба пичирлаб, **«Эй Фотима, мўминларнинг аёлларининг саййидаси [ёки ушбу уммат аёлларининг саййидаси] бўлишга рози бўлмайсанми?»** дедилар. Сен кўрганингда шунга кулган эдим».

*Муттафақун алайҳ. Лафз Имом Муслимники.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

